

Қумқұрғон туманида ғалла-2023 мавсуми давом этмоқда



Хозирги вақтда Қумқұрғон туманида ғалла йиғим-терим ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. 8 минг 539 гектар майдонда тайёр бўлган ғалла ҳосили 21 та комбайн ва 100 дан ортиқ буғдой ташувчи техникалар ёрдамида йиғишириб олинмоқда.

Бугун Қумқұрғон тумани ҳокими Анвар Нормаматов Нурмамат Мирзаев ҳудудидаги “Рахмонали Шарифжон” фермер хўжалигига бўлиб, ғалла йиғим-терим ишларини назорат қилди. Шунингдек ғалла йиғим-терим ишларига масъулият билан ёндашиб, ҳосилни нес-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғишириб олиш борасида ғаллакорларга ўз тавсияларини берди.

Ма'лумот учун: Қумқұрғон туманида ғалла мавсуми давомида 21986 тонна давлатга ғалла топшириш режалаштирилган.